

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Qishloq ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 26-DEKABR, PAYSHANBA, 155 (8236)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

 Бухоро Вилояти

2014 ЙИЛ – СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



Бўлажак шифокорларнинг самарали машғулотлари

Болалар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида самарали фаолият олиб бораётган Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Болалар касалликлари ва

неонатология» кафедраси жойлашган. Кафедрада йигирмадан зиёд профессор-ўқитувчи ва клиник ординатор ахборот технологиялари, интерфаол усуллар воситасида назарий-амалий машғулотлар ўтказиб, талабаларнинг назарий билимини мустаҳ-

камламоқда. «Устоз-шогирд» анъанаси асосида ташкил этилаётган амалиёт жараёнларида бўлғуси мутахассислар тиббий ташхис қўйиш, муолажа ўтказиш кўникмаларига эга бўлмоқда.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

САҲИФАЛАРДА:



ИСТИҚЛОЛ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

2

СИФАТЛИ ХИЗМАТ ВА БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ



4



ЗАВҚИДАН ХАВФИ КУЧЛИ

5

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллиги

ИСТИҚЛОЛ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

ТОШКЕНТДА 25 ДЕКАБРЬ КУНИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА» МАВЗУСИДА
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ


Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Фанлар академиясининг илмий муассасалари, олий ўқув юрталари, илмий ҳамда тажриба-конструкторлик марказлари, халқаро ташкилотлар ходимлари, Хитой, Россия, АҚШ, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон каби дунёнинг ўндан зиёд давлатидан илмий ҳамжамият вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов ишлаб чиқаришни илғор технологиялар негизда сифатли янгилаш ҳисобидан жадаллаштириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга асосланган инновацион иқтисодийни шакллантириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Шу мақсадда илмий-техник соҳани мустақамлаш, хусусан, истиқлол йилларида илмий тадқиқотлар олиб бориладиган ва интеллектуал инновацион маҳсулотлар яратиладиган етакчи марказга айланган Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Фанлар академиясини янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш, иқтисодий таълим ва жаҳон бозорида муносиб рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратиш, инновацион фикрлай оладиган янги авлод илмий кадрларини тайёрлашга оид қатор меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Фанлар академияси илм-фан, техника, маданият ва маърифат соҳаларида долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бораётир. Ўз илмий муассасаларининг самарали фаолият юритиши, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, илм-фан ютуқлари ҳамда технологияларини амалиётга ўз вақтида жорий этишни таъминлаб, юқори малакали илмий кадрлар тайёрламоқда. Бу эса мамлакатимизнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Конференцияда айна пайт-



Аскар ЁҚУБОВ (Ўза) олган сурат.

да Фанлар академияси ўз таркибидан 32 илмий-тадқиқот муассасаси, жумладан, 23 йирик илмий-тадқиқот институти, илмий марказ, ихтисослаштирилган конструкторлик технологик бюроси, тўртта музей, шунингдек, иккита илмий-тадқиқот институтига эга Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Хоразм Маъмур академиясини бирлаштиргани қайд этилди.

Шу билан бирга, Фанлар академияси илм-фан ва таълим тизими интеграциялашувини босқичма-босқич мустақамлаб бормоқда. Мамлакатимиз таълим тизимининг турли даражадаги илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда қатор қўшма кафедралар ташкил этилган. Бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари ушбу кафедралар базасида нафақат энг сўнги тадқиқот ишланмалари билан танишиш, балки уларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлаётир. Ёш ходимлар асосан давлат илмий-техник дастурлари бўйича танлов лойиҳаларини бажаришга жалб этилаётир.

Истиқлол мамлакатимиз ёш олимларига жаҳон илм-фани олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиш имконини берди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Кембриж университети (Буюк Британия) иштирокида Юқори технологиялар марказининг ташкил этилгани ҳам бунга ёрқин мисолдир. Инновацион лойиҳалар ишлаб чиқувчилар орасида ёш мутахассисларнинг улуши тобора ортиб бораётир. Ёш олимлар кенгаши истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича илм-фан йўлини танлаган ёшларни рағбатлантиришга қаратилган мақсадли стратегияни ишлаб чиқди.

Мустақиллик йилларида Фанлар академияси улкан янгиланиш йўлини босиб ўтди ва салмоқли муваффақиятларга эришди, халқаро обрў-этиборга сазовор бўлди. Буни халқаро илмий-амалий конференциянинг хорижлик иштирокчилари ҳам алоҳида таъ-

кидлади.

– Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида маданиятларимиз умумийлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларга асосланган яқин илмий-техник алоқалар ҳамisha бўлган, – дейди Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг техник фанлар бўйича вице-президенти, академик Иброҳим Қулиев. – Истиқлол йилларида Ўзбекистон илм-фани янги рағбатларга эга бўлгани, давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида қатор йўналишлар бўйича дунё миқёсида оламшумул натижаларга эришганини мамнуният билан қайд этмоқчиман. Қуёш энергетикаси, ген инженерияси, ноёб астрономик кашфиётлар шундай ютуқлар сирасига киради.

Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Фанлар академиясининг Астрономия институтига япониялик олимлар томонидан 22948-кичик сайёра-астероид кашф этилгани, унга Халқаро астрономия иттифоқи «Майданак» номини бергани ҳам олимларимиз илмий ютуқлари эътирофидан далолатдир. Гарвард кичик сайёралар маркази томонидан чоп этилган хабарда Майданак Ўзбекистонда жойлашган жаҳон миқёсидаги астрономик обсерватория экани таъкидланган. Умуман, чет эллик астрономлар турли вақтларда кашф этилган беш кичик сайёрага жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз шарафига Ўзбекистон, Авиценна, Улуғбек, Беруний ва Хоразмий номини берган. Яна бир сайёра 2009 йилда ўзбекистонлик олимлар томонидан Майданак обсерваториясида кашф этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг таклифига биноан унга азалдан жаҳон астрономияси маркази бўлган шаҳар Самарқанд номи берилди.

Ўтган йиллар давомида Фанлар академияси олимлари халқаро аҳамиятга молик бошқа кўплаб муҳим фундаментал илмий натижаларга эришди. Ген-нокаут технологияси ёрдамида гўзанинг илдири тизими ривожланган, ҳосилдорлиги юқори, толаси сифатли, эрта-

пишар ва шўрланишга чидамли ноёб трансген навининг яратилгани мамлакатимиз пахтачилигида эришилган энг катта илмий ютуқ бўлди. Олимларимиз томонидан серҳосил «Меҳнат» ва «АН-16» гўза навлари ҳам яратилиб, улар ҳар йили катта майдонларда етиштирилмоқда. Бундан ташқари, 10 жилдли ноёб «Табиий бирикмалар (табиий ресурслар, тузилма ва хусусиятлар)» илмий-амалий наشري тайёрланиб, илк бор инглиз тилида чоп этилди, маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида ўттиздан зиёд доривор препаратлар яратилди.

– «Шпрингер» нашриёти (Лондон) томонидан 10 жилдли ноёб «Табиий бирикмалар (табиий ресурслар, тузилма ва хусусиятлар)» илмий-амалий нашрининг инглиз тилида чоп этилгани олимларимизнинг сўнги ютуқларидан биридир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими, Ёш олимлар кенгаши раиси Собиржон Сасмаков. – Унда турли тоифаларга мансуб 7,5 мингдан зиёд табиий бирикма ҳақида маълумот берилган. Ҳали ёш бўлсам-да, ушбу китоб ҳаммуаллифларидан бири эканимдан гоят хурсандман. Йирик мутахассислар ушбу нашр ҳақида ижобий фикр билдиргани ҳамда унинг жаҳон илмий ҳамжамиятида ноёб қўлланма сифатида эътироф этилганини мамлакатимиз илм-фани ютуқларидан бири деб биламан.

Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси муассасаларининг жаҳондаги йирик илмий марказлар билан тўғридан-тўғри илмий алоқалари тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида сезиларли равишда кенгайиб бормоқда.

– Институтимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан турли йўналишларда фаол ҳамкорликни йўлга қўйганига ўн йилдан ошди, – дейди Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг Синьцзян кимё ва физика техника институтининг лаборатория мудири, профессор Абулимит Юли. – Бугун Ўзбекистонда дори препарат-

ларини яратиш ва ишлаб чиқариш, илмий кадрлар тайёрлаш марказини ташкил этиш лойиҳаси устида ҳамкорликда ишламоқдамиз. Бундан ташқари, икки илмий муассаса – биоорганик кимё ва ўсимлик моддалари кимёси институтлари билан ҳам яқин ҳамкорлик қилиб, доривор ўсимликлар соҳида олиб бораётган тадқиқотларимиз ўзининг амалий натижаларини бераётир.

Конференция иштирокчиларининг фикрича, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан тўғри танланган стратегия самарасида мамлакатимизни изчил ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратилган. Мамлакатимизда нефть казиб олиш, нефть-газ, автомобилсозлик, кимё, металлургия, қайта ишлаш ва бошқа қатор саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг жадал ривожланаётгани ҳам бунга ёрқин мисолдир. Бу эса Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион технологияларни янада ривожлантириш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жараёнларида татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатда мувофиқ Ўзбекистонда илмий, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари иштирокида ҳар йили Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўтказилмоқда.

Бўлиб ўтган олти шундай ярмаркада Фанлар академиясининг 20 муассасаси томонидан яратилган илмий маҳсулотларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича умумий қиймати 54 миллиард сўмдан зиёд 660 дан ортиқ битим ҳамда аҳдлашув шартномаси тузилди.

Конференцияда Ўзбекистон иқтисодий янада ривожлантириш, глобаллашув жараёнлари Фанлар академиясининг олдида янги вазибалар қўяётгани таъкидланди. Бугунги кунда олимларимиз юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб, ўзларининг янги-янги ютуқлари билан мамлакатимиз ва жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
Ўза муҳбири.

ҚИШЛОҚ ОБОДЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН 2013 ЙИЛДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Яна бир йил ортда қолмоқда. 2013 йил ҳам тарих зарварақларидан жой олиш арафасида. Одатда ҳар бир йил якунида ушбу йилда эришилган ютуқларни сарҳисоб қиламиз.

Бу йил қишлоқ ҳаёти ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ кўплаб ютуқлар қўлга киритилди.

ГАЛЛАЧИЛИК ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Жорий йилда мамлакатимиз галлакорлари 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд дон хирмони бунёд этишди. Бу кўрсаткич галлачилигимиз тарихида янги саҳифа очди. Улкан хирмон мамлакатимиз галла мустақиллигини янада мустаҳкамлади. Мустақиллик йилларида ҳосилдорлик 3 қарадан кўпроқ ошиб, галла етиштириш ҳажми етти баробарга кўпайди.



1

«ОЛТИН КУЗ»ДА «КУМУШ ХИРМОН»

Жорий йилда юртимиз пиллачилари синов тариқасида биринчи марта такрорий ипак курти парвариш-лаб, юртимиз иқлим шароитида олтин кузда ҳам мўл ва сифатли «кумуш» тола етиштириш мумкинлигини исботлашди.

Шу йилнинг баҳорида эса республикаимиз пиллачилари 25 минг тоннадан зиёд «кумуш» тола тайёрлаган эди.



2



10 МИНГА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАДАГИ УЙ-ЖОЙЛАР

2013 йилда юртимизнинг 147 та туманида 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилди. Бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилди.

ЮРТИМИЗ УЗУМЛАРИ УЧУН ОЛТИН КУБОК



6

Украинанинг Симферополь шаҳрида «Fruit inform» компанияси томонидан ўтказилган «Узумнинг олтин шингиллари – 2013» («Golden Bunch of Grapes – 2013») халқаро кўргазмасида Ўзбекистонда етиштирилган узумларга юқори баҳо берилди. Халқаро анжуманда Андижон, Тошкент, Фарғона ва Наманган вилоятлари боғбонлари томонидан етиштирилган 17 хил навдаги сархил узумлар намойиш этилди. Навлар мазаси, таъми бўйича ўтказилган оммавий дегустация натижаларига кўра, Ўзбекистон вакиллари олий ўрин ва тadbирнинг олтин кубоги топширилди.

ICAC ЭЪТИРОФИ: ЎЗБЕК ОЛИМИ ЭНГ ЯХШИ ТАДҚИҚОТЧИ

Халқаро миқёсда пахтачилик соҳасининг мониторинги билан шуғулланадиган Халқаро ғўза маслаҳати кўмитаси – ICAC томонидан ўтказиладиган йирик ғўза тадқиқотларининг натижалари соҳасидаги «Йил тадқиқотчиси» танловида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази директори, биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдурахмонов ғўза геномини чуқур тадқиқ қилишдаги фундаментал ютуқлари учун ғолиб, деб топилди. Таъкидлаш жоизки, ICACнинг бундай юксак эътирофига ҳозирга қадар санокли олимларгина лойиқ кўрилган.



4

ПАХТАЗОРЛАРДА ЎЗИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ

Жорий йилда мамлакатимиз пахта дала-ларида «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган «МХ-1,8» модернизацияланган пахта терим машиналари иштирок этди. Фойдаланиш жуда қулай, ишончли, ҳосилнинг 90 фоизига тўлиқ тара оладиган, хорижда ишлаб чиқарилган муқобилига нисбатан бир неча баробар арзон бўлган, такомиллаштирилган ана шундай пахта терим машиналари ҳосилни теришда қўл келди.



5

ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛМОҚДА

Серкўёш юртимизнинг улкан имкониятларидан фойдаланиш борасида ўтиб бораётган йилда муҳим аҳамиятга эга ишлар амалга оширилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш учун 400 гектар ер ажратилди. Ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилганидек, юртимизда қуёш нуридан фойдаланиб, энергетикани ривожлантиришнинг порлоқ истиқболи бор.



9



ОБОД ҲАЁТ УЧУН ИННОВАЦИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтида энергия таъминоти тизимлари учун стирлинг двигатели базасида ишлайдиган, турли қувватга эга ноёб қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу қурилмалар бир пайтнинг ўзида алоҳида истеъмолчини электр энергияси, иссиқ сув билан таъминлаш ва ҳавони совитиш учун мўлжалланган. Стирлинг двигатели исталган иссиқлик манбаи ёрдамида, шунингдек, турли шароитларда, ҳатто сув ости ва фазода ҳам ишлаши мумкин.

Институт олимлари ишлаб чиққан сувни қуёш ёрдамида чучуқлаштириш мосламаси эса қишлоқ жойларда кенг қўлланилмоқда. Ушбу мослама кунига 100 литргача чучуқ сув олиш имконини беради. Фермер хўжаликлари учун махсус ишлаб чиққан қудуқдан сув олиш фотоэлектр қурилмаси бир кунда 60 кубметр сув олиш имконига эга.

Шу билан бирга, кўчалар ва майдонларни ёритадиган фотоэлектр станциялар ва тизимлар кундузги ёруғлик имкониятларидан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Улар истеъмолчиларни доимий ва ўзгарувчан кучланишга эга электр энергияси билан таъминлаш учун мўлжалланган.

БИРИНЧИ СИНФДАН ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШМОҚДА



8

2013 йилнинг 1 сентябидан бошлаб Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан республикаимизнинг барча ҳудудларидаги мактабларда чет тилларини ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

БУЛОҚБОШИДА КИВИ ЕТИШТИРИЛМОҚДА



10

Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғида боғбон Ҳабибулло Сулаймонов ўз иссиқхонасида 70 килограмм киви меваси етиштирди. Таъкидлаш жоизки, бунда унга отаси Назиржон Сулаймоновнинг тажрибаси қўл келди. Унинг ташаббуси билан киви дарахтлари 1999 йилда экилган бўлиб, орадан етти йил ўтиб ҳосил бера бошлаганди. Жорий йилдан улар тўлиқ ҳосилга кирди.

ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ ОШДИ

Буни кўйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: Хозирги вақтда юртимизда яшайётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Ҳар 100 та оиллага ўртача 80 та музлаткич, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, пилесос, микротўлқинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда.



11

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАМЗИЙ БОҒИ



13

Ўтаётган йилнинг февраль ойида Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг рамзий боғи барпо этилди. Мазкур интенсив боғ фермерлар кенгаши каби ўз меваларини бера бошлади.



ФЕРМЕРЛАР — ЕТАКЧИ КҮЧ

12

Бугунги кунда Ўзбекистонда 66 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи етиштирилаётгани эса, айниқса, таҳсинга лойиқ. Чунки 1990 йилда мамлакатимизга аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроғи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканинг эса 50 фоизи четдан келтирилган бўлса, бугунга келиб Ўзбекистон ана шундай маҳсулотларни экспорт қилувчи давлатга айланди.

СИФАТЛИ ХИЗМАТ ВА БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ МИЖОЗЛАР ИШОНЧНИ ОШИРМОҚДА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида молия муассасаларининг, хусусан, банкларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Бу жараён, айниқса, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашида яққол намоён бўлмоқда. Қолаверса, молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ молия-банк тизими ликвидлиги мустаҳкамланиб, унинг барқарорлиги таъминланмоқда. Ана шундай имкониётлардан унумли фойдаланиб «Капиталбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам миждозларига қатор қулайликлар яратмоқда, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланмоқда.

КАПИТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ



Таъкидлаш жоизки, мана шу ишонч банк фаолиятининг янада кенгайиши – мамлакатимизнинг барча ҳудудларига ўз хизматлари билан кириб бориши учун шароит яратмоқда. Бугунги кунда «Капиталбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳрида 6 та ва ҳудудлардаги 7 та филиали орқали миждозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда, уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштирмоқда, фаолияти ривожига маблағлар йўналтирмоқда.

Тадбиркор ким? Йўқдан йўндирувчи, тадбири билан жамиятга фойда келтирувчи инсон. Унинг ҳар бир тадбири, аввало, гоё бўлади. Банк атамаси билан айтганимизда, бизнес-лойиҳа. У қўллаб-қувватланмас экан, гоёлигича, бизнес-лойиҳалигича қолиб кетиши мумкин.

Шу боис, банк томонидан миждозларнинг – тадбиркорларнинг истиқболда жамиятга фойда бериши мумкин бўлган ҳар бир лойиҳаси жиддий эътиборда бўлади. Уларни қўллаб-қувватлаш – сармоялаштиришга, кредитлар йўналтиришга долзарб вазифа сифатида қаралади.

Молия муассасаси томонидан жорий Обод турмуш йилининг ўтган ўн бир ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга барча молиялаш манбалари ҳисобидан 219 миллиард сўм кредитлар ажратилгани ҳам фикримиз далилидир.

Агар таҳлилни кенгроқ олиб қарасак, банк сармояларининг асосий қисмини иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирган. Бу эса маҳсулотлар кўпайиши, улар билан ички бозорни таъминлаш баробарида экспорт ва импорт ҳажмининг ўсишига олиб келган. Йўналтирилган сармоялар янгидан-янги иш ўринлари ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига қулайлик яратиш, сирасини айтганда, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилганлигини кўрашимиз.

Бу масаланинг бир жиҳати. Яна бир муҳим вазифа борки, бу тадбиркорларни маънавий рағбатлантириш билан белги-ланадиган, уларнинг ўз фао-

лиятига ишончини оширадиган омил – юзма-юз суҳбатлашиш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этишдир. Банк жамоаси ҳудудларда бўлиб, учрашувлар, семинарлар ўтказмоқда. Уларда банк кредитлари, фойзалари, бизнес-лойиҳаларни кредитлаш шартлари, имтиёзлар, қулайликлар ҳақида берилаётган тушунчалар кишиларда тадбиркорликка ишончини оширмоқда. Бу тадбирлар, айниқса, ёшларда, коллеж битирувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Наманганлик тадбиркор Шарофат Тошбоева ҳам ана шундай учрашув-семинарларда иштирок этганди. Унда олган билим ва малакаси, тадбиркорларнинг тажрибаси унинг қалбида янги мақсадларни кўр олдириди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган «Чуст нигоҳ медал» хусусий корхонаси фаолиятини кенгайтириш ҳаракатига тушди. Бунинг учун замонавий асбоб-ускуналар лозим бўларди. Пишиқ ва пухта тузилган бизнес-лойиҳани олиб, банкка борди. Унинг аҳоли саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини янада ошириш йўлидаги лойиҳасини «Капиталбанк»нинг Наманган филиали молиялаштирди. Кредит ҳисобига замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилди. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кўлами кенгайди. Энг муҳими, бу ерда 10 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда айни пайтда тиббиёт кол-

лежини битирган ёшлар фаолият юритмоқда.

– Мен банкдан мамнунман, – дейди тадбиркор Шарофат Тошбоева. – Фаолиятимизнинг кенгайиши бизни янада ғайрат билан ишлашга ундапти. Келгуси йилнинг мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб номланиши эса бу фаоллигимизни янада оширди. Эл хизматида, фарзандларимизнинг саломатлигини таъминлашга доимо тайёрмиз. Бизнинг бу йўлдаги ҳамкоримиз борлиги – банк томонидан эзгу мақсадларимиз қўллаб-қувватланаётгани эса ишончимизни юксалтирди.

Учкўприк туманидаги Кенагас қишлоғида фаолият кўрсатувчи тадбиркор Режавали Эргашев «Муҳаммадзийе рангли бўёқ» МЧЖ қурилишида кенг қўлланивчи лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келади. Банкнинг Қўқон филиали миждоз бўлган ушбу тадбиркорлик субъекти томонидан жами қиймати 200 миллион сўмлик тайёрланган лойиҳа асосида қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилганди. Банк жамоаси мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Молия муассасаси томонидан 2013 йилнинг май ойида ажратилган 160 миллион сўм кредит эвазига ушбу лойиҳа йўлга қўйилган бўлиб, қўшимча 4 та янги иш ўрни яратилди ва шу кунга қадар 145 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб

чиқарилиб, истеъмолчиларга арзон нархларда етказиб берилди. Келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ва зарур хомашёлар ҳисобига корхонада қўшимча уч турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жорий қилинди.

Молия муассасаси томонидан устувор вазифаларни изчил амалга оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга молиявий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилди. Ишбилармонларнинг шу мақсаддаги истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 33,20 миллиард сўм сармоя йўналтирилгани, бунинг натижасида нафақат ушбу соҳани тараққий эттириш, балки кўплаб янги иш ўрни ташкил этилгани қувонарли ҳолдир.

Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришда, ишлаб чиқаришни янада жадаллаштиришда аёлларнинг ролини ошириш, уларга барча жабҳаларда эркин фаолият олиб боришлари учун шарт-шароит яратиб беришда банк томонидан қатор ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда ўтган даврда аёллар тадбиркорлигига 53,95 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Банк томонидан оила-лар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам эътирофга моликдир. Буни банк томонидан шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида ёш тадбиркорларга 1,09 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 1,27 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,15 миллиард сўм, инвестиция лойиҳаларини кредитлашга 87,34 миллиард сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 28,64 миллиард сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 40,19 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Банк имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан бирга аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Молия муассасаси томонидан нафақат юридик, балки жисмоний шахсларнинг ҳам кредитлар олишларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жисмоний шахсларга мебель жиҳозлари, маиший техника воситалари ва уй-жойларни таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олишларида сармоялар йўналтирилмоқда.

Миждозлар билан ишлашдаги ижодий ёндашув, банк ходимларининг малакали ва сифатли хизмати миждозлар сифатининг кенгайишига хизмат қилаётир.

Сирасини айтганда, миждоз ишончи, юксак маҳорат ва сифатли хизмат банк жамоасининг асосий тамойилидир. Ушбу тамойил эса, энг аввало, иқтисодиёт равнақи, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Аслида, кўзланган мақсад ҳам шундай.

Банк матбуот хизмати



БАЙРАМ БАЙРАМДЕК УПАДУ

Турли пиротехника воситаларининг асабга ҳам, ҳамёнга ҳам, соғлиқга ҳам зиён етказилишига йўл қўйилмайди

Одатда, янги йил байрами арафасида турли хил пиротехника воситаларидан фойдаланиш, бундай воситаларининг савдоси кўп кузатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалардан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиши нуқтаи назаридан хавфли буюмлар ҳисобланади. Бу эса бевосита одамлар ҳаёти ва соғлиғига, жамоат тартиби ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши мумкин. Шу боис, пиротехника воситаларини юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уриниш ҳолатларининг олдини олиш борасида эса қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилаётир.

БАРЧАСИ ҚОНУН АСОСИДА

Мамлакатимизда бунинг учун мустақам қонунчилик тизими яратилган. Шу мақсадда 2010 йил 22 сентябрда “Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Мазкур қонунга кўра, пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш жорий этилди. Шунингдек, унинг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучай-

тирилган. Мазкур қонунга биноан Жиноят кодексига, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни мамлакатимизга олиб кириш ва олиб чиқиш ёки сотиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

ҲУШЁР БОЖХОНАЧИЛАР САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан “Довут ота” чегара божхона пости орқали юртимизга пиёда тарзда кириб келаётган фуқаро Э.Санокүлов қиймати 300 минг сўмлик 3 турдаги пиротехника воситаларини қўл сумкасига яширган ҳолда олиб ўтишга уринган, унинг бу хатти-ҳаракатлари божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.

“Москва-Душанбе” йўналишидаги йўловчи поездида юртимизга кириб келган фуқаро К.Кайпаназаровга тегишли юқлар божхона кўригидан ўтказилганда, божхона баённомасида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида айтилмаган 9 дон салютлар борлиги аниқланди.

“Бейнеў-Кўнғирот” поезди йўловчиси О.Ражапов томонидан салкам 350 грамм оғирликдаги 2 турдаги 32 дон пиротехника воситаларининг юртимизга яширин равишда олиб кирилишининг олди олинди.

“Қарши” темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан “Москва-Кўлоб” поезди йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Н.Тошхонов текширилганда, ушбу шахс ҳеч қандай ҳужжат-



ЗАВҚИДАН ХАВФИ КУЧЛИ

Ҳулқар РАҲИМҚУЛОВА, психолог:

– Ҳар хил пиротехник ўйинчоқлар болада кўпол хатти-ҳаракатлар, жаҳлдорлик, асабийлик ҳолатлари пайдо бўлишига олиб келади. Бироқ ҳамма ҳам бундай ўйин ва ўйинчоқлар фарзандининг қизиқиши ва тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганига эътибор бермайди. Пиротехника воситалари аслида одамларнинг тинчини бузувчи, руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи, кучли кўрқув сабабли жиддий касалликларни келтириб чиқарувчи офатдир. Бунинг натижасида инсон бир умрга ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин.

олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

ОДАМЛАР ҚЎЛ ЧЎЗМАСА...

Одатда “пақилдоқлар”га болажонлар қизиқади. Уларнинг бу қизиқишини қўллаб-қувватлаган ота-оналар унинг ноҳуш оқибатлари билан ҳам қизиқсалар эди... Афсусланарли томони шундаки, пиротехника воситаларига кетаётган пуллар том маънода ҳавога учди. Учганда ҳам тинчгина эмас, кимнидир куйдириб, кимнидир майиб-мажруҳ қилиб, ҳеч бўлмаганда, кимнингдир “капалагини учириб” учди. Пиротехника воситалари портлаши натижасида кўплаб ноҳуш ҳолатлар тез-тез учраётгани фикримиз далилидир.

БИЛАСИЗМИ?

Кўпгина пиротехника воситаларининг асосини оксидловчи ёнилғи билан иккиламчи аралашмаси ташкил этади. Бунда ёнилғи қисман оксидловчидаги, қисман ҳаводаги кислород ҳисобига ёнади. Ёниш тезлиги 0,5-20 мм/с. Ҳўш, боланинг қўлида эндигина тутатилган бу матоҳ шу оннинг ўзидаёқ унга зарар етказмаслигига ким кафолат беради?!

Сарвар САФАРОВ тайёрлади.

ПАҚИЛДОҚФУРУШЛАРГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР

Хусен ТАНГРИЕВ, Давлат божхона кўмитаси Матбуот хизмати катта инспектори:

– Кўнғилочар ёки бошқа мақсадларда пиротехника буюмларидан фойдаланишга қизиқиш мазкур воситаларни мамлакатимизга ноқонуний йўллар орқали олиб ўтилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга ҳам сабаб бўлмоқда. Божхоначилар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралар ходимлари томонидан пақилдоқфурешларнинг йўлини тўсишга қаратилган тезкор саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Бундай тадбирларни амалга оширишдан мақсад, аввало, фарзандларимизнинг соғлиғи, хавфсизлигини таъминлашдир. Афсуски, бу ана шундай воситаларни пуллаш ҳисобига даромад орттиришни кўзлаган кимсаларни заррача ташвишга солмапти.

▷ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ ҲАМДА КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

барга юрпдошларимизни, шу ҳисумладан, халқимиз дастурхони тўқинилиги йўлида меҳнат қилаётган озик-овқат саноати ходимларини яқинлашиб келаётган Яни — 2014 йил билан муборақбод этади. Юртимиздаги пинлик-хотиржамлик бардавом, дастурхонимиз янада файзли, ҳаётимиз фаровон бўлсин!



“Янгийўл ёғ-мой” очик акциядорлик жамияти бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитаси корхона ишчи-хизматчилари манфаатларини ҳимоя қилишда доимий ғамхўрлик қилмоқда.

Корхонадаги 700 нафар ишчи-хизматчиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини

ошириш учун корхона қошида “Касаба уюшмаси уйи” доимий фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда меҳнаткашларнинг дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шунингдек, касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари доимий эътиборда. Жорий йилнинг ўтган

даврида кам таъминланган, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган ходимларга 13,165 минг сўмлик моддий ёрдам, худди шундай оилаларнинг фарзандларига 14,335 минг сўмлик санаторий ва профилактикаларга йўлланмалар берилди. 10 миллион сўм сарфланиб, юртимизнинг диққатга сазовор гўшаларига саёҳатлар уюштирди.

«KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING SAMARQAND VILOYATI FILIALI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES VAKILLARI HAMDA XUSUSIY TADBIRKORLARNI OCHIQ TANLOV SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI!

1. Savdoga Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳокимининг 2013 йил 5 ноябрдаги 1037-К сонли қарорига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. Маиший хизмат кўрсатиш шохбаси қуриш учун, Ургут тумани "Баҳрин" ҚФЙ Мангитобод маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий майдони 300,0 кв.м.дан иборат ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 112 838 сўм;

2. Маиший хизмат кўрсатиш шохбаси қуриш учун, Ургут тумани "Урамас" ҚФЙ Қуйи Алгар маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 188 100 сўм;

3. Маиший хизмат кўрсатиш шохбаси, дорихона, савдо дўкони, яхна ичимликлар павильони ва оқсоқоллар чойхонаси қуриш учун, Ургут тумани "Урамас" ҚФЙ Қуйи Алгар маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий майдони 360,0 кв.м.дан иборат ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 135 432 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ургут тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Мажбуриятларни бажариш танлов қолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йилнинг 1 сентябригача бўлган мuddатда амал-

га оширилиши лозим.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2014 йил 24 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин "Танлов ташкилотчиси" билан тузилган закат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамга тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ургут тумани Навоий шох кўчаси 104-уй, Ургут тумани ҳокимлиги биносидан 2014 йил 27 январь куни соат 11:00 да очилади, 2014 йил 27 январь куни соат 16:00 да таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгорлар танлов қолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқлари 2014 йилнинг 27 январь куни сотилмаган тақдирда, мазкур ҳуқуқлар юзасидан тақририй танлов савдолари 2014 йилнинг 27 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Тақририй танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 26 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақририй танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ургут тумани Навоий шох кўчаси 104-уй, Ургут тумани ҳокимлиги биносидан 2014 йил 27 февраль куни соат 11:00 да очилади, 2014 йил 27 февраль куни соат 16:00 да таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгорлар танлов қолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридан ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этиди:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тadbirkor сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш ва закат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотека банк" Кўсарой филиалидаги: 20208000604920609025; СТИР: 207122519, ОКОНХ: 83400, МФО: 00262 ҳисобрақамга тўлашлари шарт.

